

Қўй терисига ёпинган бўри қалблилар



14:53 / 12.10.2025 1757

Давримизда бўлаётган ҳар хил фитналар тўғрисида сеvimли пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам огоҳлантириб кетганлар. Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ ўзларининг ҳадислар тўпламида саҳоба Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан қуйидаги ҳадисни ривоят қилганлар:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бундай деб башорат қилган эканлар:

نأضلا دولج سانلا نوسبلي نيدلاب اي نولتخي لاجر نامزلا رخ آي فخري
لج و زع هللا لوقي بائذلا بولق مهبولقو ركسللا نم ىلحأ مهت نسلأ نيللا نم
ةنتف مهنم كئلوا ىلع نثعبأل تفلح بي ف ؟ نوئرثجي ىلع م نورثغي بىأ
اناريح مهنم ميلحللا عدت

«Охир замонда бир тоифа одамлар чиқади. Улар дунёга динини аралаштирадилар. Баъзи одамлар мулойим кўринишлари учун қўй терисини кийиб оладилар. Уларнинг тиллари шакардан ширинроқ. Бироқ, қалблари бўрининг қалбларидек бўлади. Аллоҳ азза ва жалла: “Улар менга мағрур бўладиларми ёки журъат қиляптиларми? Ўзимга қасам ичдим, албатта уларга бир фитнани юбораман! Улар орасидаги ҳалим кимса ҳам ҳайронликда қолади».

Имом Термизий, 4/2404.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтишларича, Аллоҳ таоло бундай деган:

نم رمأ مهبولقو لسعلا نم يلحأ مهت نسلأ اقلخ تقلخ دقل لاق لىلعات هللا نإ
نورثغى بىف انارىح مهنم ملىلحلا عدتة نثف مهنحىتأل ثفلح بىف ربصللا
نوئرثحى لىلعمأ

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтишларича, Аллоҳ таоло бундай деган:

«Дарҳақиқат, мен бир одамларни яратдим. Уларнинг тиллари асалдан ширинроқ, қалблари эса сабур (олой)дан аччиқроқ. Ўзимга қасам ичдим: албатта уларга бир фитнани тайёрлайман! Улар орасидаги ҳалим кимса ҳам ҳайронликда қолади. Улар менга мағрурлик қиладиларми ёки менга журъат этадиларми?!»

Термизий, 4/2405.

Қўй терисини ёпинган бўри қалбли одамлар даври ҳақида муҳаддислар Ҳоким раҳимаҳуллоҳ ва Табароний раҳимаҳуллоҳ томонларидан ривоят қилинган қуйидаги ҳадиси шариф тўла тасаввур бера олади:

بر مظع و لاملا رثك و ةراجتلا ت رثك و ةسللاي طلالا سبل رثك نامزلا ب رتقا اذا
راج و ةاسنلا رثك و نايبصللا ةراما تناك و ةشحافللا ت رثك و هلامب لاملا
نأ نم هل ريخ بلك و رج لجرلا يبري و نازي ملا و لالاك ي ملا ي ف فط و نا طلسلا
لجرلا نأ لىتح انزلا دالوأ رثكي و ريغص محري ال و ريبك رقوي ال و هل ادلو يبري
امت لرتعا ول : نامزلا ك لذ ي ف مهلثمأ لوقيف قيرطالا ةعراق لىل ع ةأرمل لىشغىل
نامزلا ك لذ ي ف مهلثمأ بائذلا بولق لىل ع نأصللا دولج نوسبلى و قيرطالا ن
نهادملا

«Қачон охирзамон яқинлашса, тайласон – арабларнинг бошга ташлайдиган рўмол ўрашлари кўпаяди; савдогарчилик ортади; мол-дунё кўпаяди; мол

Улар (қалби)га хавф аралашмайди. Агар Аллоҳнинг ҳаққидан бирор нарсада нуқсонга йўл қўйишса, ўзларига омонликни миннат қилишади. Агар Аллоҳнинг таъқиқларидан тажовуз қилишса, «Аллоҳ менинг гуноҳларимни ўтар, деб умид қиламан», дейди. Бўри қалбларига қўй терисини кийиб оладилар. Уларнинг энг афзали «мудоҳин» бўлишади. «Мудоҳин» ким, деб сўралди. Амри маъруф ва наҳйи мункар қилмайдиган киши, дедилар». (8/7405; 4/4473).

Имом Доримий раҳимаҳуллоҳ ҳам қўй терисини ёпинган бўри қалбли одамлар тўғрисида бир ривоят қолдирганлар:

نُؤْبُلُ طَيِّوَةً دَابَّ غِلْ رِي غَلْ نُوَّوَقَفَتَي و لَمَّ غَلْ رِي غَلْ نُوْمَلَعَتَي مَوَّقَتَعْنُ دَجَّ أَلْ نِي
رَبِّ صِلْ نَمَّ رَمَّ أُمُّ بُولُقُو نَأْضَلْ دُولُجْ نُوْسَبَلَي وَ رَخَّ أَلْ لَمَّ عَبَّ أَيْ نَدَلْ

«Албатта, мен шундай қавмни сифатларини топаман: амал қилмаслик учун таълим оладилар, ибодат қилмаслик учун фикҳ ўрганадилар, дунёни охират амали билан излайдилар, қўй терисини ёпиниб оладилар, ҳолбуки қалблари сабурдан ҳам аччиқроқдир!». (Доримий, 1/305).

Одамлар бир-бирларини кўрганда қучоқ очиб кўришадилар, бир-бирларини давраларда мақтайдилар, бироқ, орқадан бўри сингари иш қиладилар. Ўша кулиб қараган одамга нисбатан қалбларида меҳр-шафқатдан асар ҳам йўқ. Ўлдириб юборилишига рози, хору зор бўлишига рози, унга ачинмайди, унга нисбатан қалби ачишмайди. Кулиб-кулиб, қарз олиб, бермай ҳам юраверади. Пул берганига шукр ҳам қилмайди, сўраса, «Нимага ҳадеб сўрайверасиз?!», деб энсаси қотади. Ўзининг бойлигини кўпайтириш учун мусулмон юртдошининг юзига қараб алдайверади, «Тирикчиликнинг айби йўқ!», деб кулиб туриб тарозидан уриб қолаверади. Ўз дўстининг саховати ва яхшилигидан баҳраманд бўлиб, унинг бизнесини банкротга учратади. Мансаб учун ва мансабда қолиш учун бир-бирини бўридек ғажийди. Олдида кулиб-кулиб, ишдан бўшатиб юбораверади. Очиқ юз билан қарши олиб, қаматиб юбораверади. Орқада «Сўралгани учун айтдим-да!», деб ғийбатни ҳам тухматни ҳам қилаверади. Яна бирга-бирга кулиб-кулиб юраверади. Сизни алдаб, юзингизга кулиб қараб, «Ҳамма ишингизни битириб бераман!», деб сизни алдаб кетаверади. «Мана бунга қўл қўйинг, сизга ҳеч нарса бўлмайди», деб, сизни ёки бошқа бировни неча йилларга қаматиб юборишади.

Бўри қалбли одамлар иши битгандан сўнг, эшаги лойдан ўтгандан сўнг тоғасини ҳам унутиб юбораверади, иши битиши учун ўз акасини ҳам сотаверади. Халқ кўзи олдида оппоқ фаришта, лекин яширин ишларини

суриштирса, шайтон ҳам ундан ҳазар қилиб кетади. Ўзлари қолганда даврадаги суҳбатга қулоқ солсангиз, одамларни қандай алдагани, қандай хиёнат қилгани, инсонларни қандай қамаб юборганларини мақтаниб гапиришади, устидан кулиб ўтиришади...

Ватанпарварлик ҳақида, уммат ғами ҳақида оғиз кўпиртириб гапирадиган, интернет қоралаб ёзадиган қўй терисини ёпиниб олган бўри қалбли ватанпарварларнинг агар телефондаги ўзаро гаплашувлари, телеграммдаги ёзувлари ёки ёзишмалари ёхуд яширин алоқалари кўздан кечирилса, ватан хоинлари ҳам улар, икки курсида ўтирувчилар ҳам улар.

Бўри қалбли одамлар амал қилиш учун илм ўрганмайдилар, тақво қилиш учун фикҳ ўрганмайдилар. Балки илмини бошқаларни синдириш учун, ўзгаларнинг обрўсини тўкиш учун ишлатадилар. Содда бечоралар кўзига олим кўриниб, уларни ўзларининг ифлос тузоқларига илинтириб, хору зор бўлиб ўлиб кетишига рози бўлаверадилар. Яна ана шу ўзининг фитнаси ва алдовига учиб, ўлиб кетган бечоралар ҳақида «шаҳид» кетди, деб бўримисол ёвуз илмидан сафсата сотадилар.

Қўй терисини ёпиниб олган бўри қалбли одамлар давраларда сўзомол, интернетда фатвобоз, ҳаётда эса фитнасос одамлар эканини ўйланг. Аҳли суннатман, деб туриб, сизни жамоатдан айирадиган ҳам улар. Суннийман, деб туриб, сизни суннатдан мосиво қиладиганлар ҳам улар. Саҳиҳ ҳадис айтаяпман, деб ҳадислардан юз ўгиртирадиган ҳам улар.

Абу Нуайм раҳимаҳуллоҳ ривоят қилишларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу умматнинг охири аввалгиларни лаънатлайди. Ўша вақтда ер юзи ва одамларида нафрат ва ғазаб тарқаган бўлади», деганлар. («Ҳилят ал-авлиё», 2/86).

Ҳа, нафрат ва ғазаб тарқаган бўлади: хатосини айтсангиз, сўкишади, тўғри йўл кўрсатсангиз тўпланиб олишиб, таъна қилишади, ғазабидан олам кўяди, сўкишларидан интернет портлайди. Яна ўзлари фитнанинг уяси бўлиб туриб, фитнасини айтсангиз, «Фитна қилма!» деб ёзғиришади, минг йиллик иттифоқни ва бирдамликни ўзлари бузиб қўйиб, «Нимага бузаяпсан?», десангиз, ўзларини қўйдек тутишиб, «уммат бирлашиши керак, иттифоқ бўлиши лозим», деб ёлғонини сотишади. Бирлашиш лозим бўлса, иттифоқ қилишимиз вожиб бўлса, «Кел, минг йиллик анъаналаримизга келақол!», десангиз, сизни радикалга чиқаришади...

Сиз билан дўстдек кўришиб, кўрганда югуриб келиб қўлингизни оладиганлар орқангиздан таъна қилиб, ғийбат қилиб, хатоингизни айтиб, ўзгалар гапига қулоқ соладиганлар ҳам улар...

Сиз аввалги умматлар бўлган Имом Ашъарий, Имом Мотуридий, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳим ажмаъин каби умматнинг буюк уламоларига қўй терисини ёпинган бўриларнинг таъна қилиб, ёмонлаб-сўкиб, адашганга чиқарганларини кўрасиз. «Мен салафи солиҳларга эргашаман, Мотуридийга эмас, Ашъарийга эмас», деб сизга қўйдек мулойим гапирадиган ҳам улар. Хатосини айтсангиз, сизни бўралаб сўкадиганлар ҳам улар...

Қўй терисини ёпинган бўрилар ана шундай бўлади!

Аллоҳ таоло уларнинг ёмонлигидан паноҳ берсин!

Ҳамидуллоҳ Беруний

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 22 июлдаги 03-07/4389-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.